

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБОНБЕКОВА МОҲИЧЕХРА ТУРОБЖОНОВНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПУЛЛАР
ТАКЛИФИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ АМАЛИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Қурбонбекова Моҳичехра Туробжонова

Ўзбекистон Республикасида пуллар таклифини тартибга солиш
амалиётини такомиллаштириш 3

Қурбонбекова Моҳичехра Туробжонова

Совершенствование практики регулирования денежного
предложения в Республике Узбекистан 29

Kurbonbekova Mohichexra Turobjonovna

Improving the practice of regulating the money supply in the Republic of
Uzbekistan..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБОНБЕКОВА МОҲИЧЕХРА ТУРОБЖОНОВНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПУЛЛАР
ТАКЛИФИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ АМАЛИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Iqt717 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «Ziyounet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходиев Баходир Юнусович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Омонов Ақром Абдиназарович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мустафақулов Шерзод Игамбердиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси**


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 11 » январь соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz.


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1029 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz.


Диссертация автореферати 2020 йил « 28 » декабрь куни тарқатилди.

(2020 йил « 28 » декабрь даги № 50 рақамли реестр баённомаси).




Н.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


У.В. Гафуров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор


С.К. Худойкулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тараққий этган атлар тажрибаси кўрсатадики, пуллар таклифини тартибга солиш гини такомиллаштириш инфляция даражасининг ошишига йўл лик ва макроқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Хусусан, «АҚШ Федерал захира тизими (ФЗТ) томонидан пул массасининг паст ва барқарор суръатларда ўсишининг таъминланганлиги 2019 йилда инфляциянинг паст даражада бўлишини (2,3%) таъминлаш имконини берди. Бу эса, ФЗТга 2019 йилда таянч ставкани амалдаги 2,25 фоиздан 1,75 фоизга тушириш имконини берди»¹. «Россия Марказий банки томонидан пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини такомиллаштирилиши, жумладан, таянч фоиз ставкасининг мослашувчанлигини ошириш, очик бозор операциялари ҳажмини ошириш йўли билан банк тизимидаги ортикча ликвидлиликни олиб қўйилиши натижасида инфляциянинг йиллик даражасини 2019 йилда белгиланган прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлиши (2019 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 3,0% бўлди) таъминланди»². Ушбу кўрсаткичлар халқаро доирада пуллар таклифини тартибга солиш амалиёти бўйича очик бозор операцияларининг роли юқори эканлигидан далолат беради.

Дунё мамлакатларида пул массасининг паст ва барқарор даражасини таъминлаш, пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш, пуллар таклифини таргетлашни такомиллаштириш, инфляцион таргетлаш режимдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, пул-кредит сиёсатининг трансмиссион механизми каналларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш, пул-кредит сиёсати ва бюджет-солиқ сиёсати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, пул-кредит сиёсатининг шаффофлигини таъминлашга бағишланган фундаменталь тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса, пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини илмий асосда тадқиқ қилишнинг долзарб масала эканлигидан далолат беради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш вазифаси қўйилган³. Бу эса, пул-кредит сиёсатининг марказий масаласи бўлган пуллар таклифини тартибга солиш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

¹ Monetary Policy. <http://www.federalreserve.gov>.

² Банк России. Годовой отчет 2019. – Москва, 2020. www.cbr.ru.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон «Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривож-ланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пул таклифини тартибга солишнинг алоҳида олинган назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик олимлар А.Косой, Г.Белоглазова, Д.Ван-Хуз, Ж.Кейнс, А.Навой, М.Абрамова, М.Фридмен, О.Лаврушин, О.Афанасьева, О.Смирнова, Р.Миллер, С.Моисеев, У.Хесус, Ф.Мишкин, Б.Тэйлор, Ж.Маккалумларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган ва тегишли илмий хулосалар шакллантирилган⁴.

Пул таклифини тартибга солишнинг айрим назарий, услубий ва амалий жиҳатлари Ўзбекистонлик олимлардан Н.Жумаев, О.Намозов, А.Омонов, Б.Душаев, Ш.Мустафақулов, Т.Қоралиев, Т.Бобақулов, А.Абсаламовларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган⁵.

Бироқ, пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш масаласи ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан алоҳида диссертация иши объекти сифатида ўрганилмаган.

⁴ Навой А.В. Центральный банк в глобальном хозяйстве. Монография. – М.: ГОУ ВПО «РЭУ им. Г.В.Плеханова», 2010. – 528 с.; Косой А.М. Платежный оборот: исследование и рекомендации. Монография. – М.: КНОРУС, 2012. – 296 с.; Белоглазова Г.Н. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: Высшее образование, 2008. – 620 с.; Миллер Л.Р., Ван-Хуз Д.Д. Современные деньги и банковское дело. Пер. с англ. – М.: Инфра-М, 2000. – 856 с.; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. – М.: Гелиос АРВ, 1999. – 352 с.; Абрамова М.А. Национальная денежная система: теория, методология исследования, концепция развития в условиях модернизации современной экономики. – М.: ИНФРА-М, 2014. – 380 с.; Фридмен М. Основы монетаризма. Пер. с англ. – М.: ТЕИС, 2002. – 175 с.; Афанасьева О.Н. О таргетировании инфляции и регулировании курса рубля//Банковское дело. – Москва, 2014. – №4. – С. 10-14.; Смирнова О.В. Центральные банки в современном мире//Деньги и кредит. – Москва, 2013. – №10. – С. 66-73.; Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и практика. – М.: Экономистъ, 2008. – 652 с.; McCallum B.T. Alternative Monetary Policy Rules: A Comparison with Historical Settings for The United States, the United Kingdom, and Japan// Economic Quarterly of the Federal Reserve Bank of Richmond, 1/86, Winter, 2000. – P. 49-79.; Taylor, J. The Robustness and Efficiency of Monetary Policy Rules as Guidelines for Interest Rate Setting by European Central Bank//Journal of Monetary Economics. Vol. 43. Issues, 1993. – P. 655-679.

⁵ Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008.; Омонов А.А., Қоралиев Т.М. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. – Тошкент: Iqtisod-Moliya, 2012. – 324 б.; Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления. Автореф. дисс. на соис. уч. ст. д.э.н. – Ташкент, 2001. – 39 с.; Бобақулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2008. – 33 б.; Абсаламов А.Т. Марказий банк пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмини такомиллаштириш и.ф.д. (PhD) илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент: ТМИ, 2020. – 60 б.; Душаев Б.М. Монетарная политика. – Ташкент: Iqtisod-Moliya, 2003. – 120 б.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган..

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пул таклифини тартибга солиш хусусидаги илмий-назарий қарашларни қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш ҳамда уларнинг амалий аҳамиятини баҳолашга хизмат қиладиган хулосаларни шакллантириш;

пул таклифини тартибга солиш моделларини таҳлил қилиш;

пул таклифини тартибга солиш амалиёти борасидаги илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг пул таклифини тартибга солиш амалиётини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

Ўзбекистон Марказий банки пул таклифининг иқтисодий кўрсаткичларга таъсирининг импульс реакциясини аниқлаш;

ликвидлилик эффектининг тижорат банклари фаолиятига таъсирини эмпирик таҳлили қилиш;

пул таклифини тартибга солишни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг пул таклифини тартибга солиш амалиёти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини пуллар таклифини тартибга солиш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, статистик ва иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳукумат қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва унинг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда Марказий банк РЕПО ҳажмини оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

Марказий банкнинг мажбурий захира сиёсатини пул таклифини тартибга солишдаги аҳамиятини ошириш мақсадида илғор хориж тажрибасига асосланган ҳолда мажбурий захира ставкаларини, бир рақамли сон даражасида белгилаш ва банкларнинг узоқ муддатли депозитларини мажбурий захира ажратмаларидан озод қилишнинг зарурлиги асосланган;

банк активлари таркибида юқори ликвидли активлар салмоғини ошириш орқали жорий ликвидлилик коэффиценти даражасини ошириш таклифи асосланган;

трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини, соф фоизли спрэд кўрсаткичининг меъёрий талабдан паст бўлмаган барқарор даражасини таъминлаган ҳолда, трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланиш ва муддатли депозитларнинг фоиз ставкаларини ошириш асосида пасайтириш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий валютанинг девальвация суръатини Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари бўлган давлатларнинг (Россия, Хитой, Қозоғистон, Туркия) миллий валюталари девальвация суръатларига мутаносиблигини таъминлаш йўли билан Марказий банкнинг курс сиёсатини экспортни рағбатлантиришдаги ролини оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Марказий банки пул таклифи ошишининг инфляцияга таъсири кучли эканлиги ҳамда ойлик реал пул массаси 1 фоизга ошиши ойлик инфляция даражасини 4 ойдан сўнг 0,4 фоизга ошириши экнометрик таҳлилилар асосида асослаб берилган;

Марказий банк қайта молиялаш фоиз ставкасининг иқтисодиётдаги инфляция даражасига таъсири сушт эканлиги VAR модел импульс реакцияси орқали кўрсатилган.

мамлакатимизда инфляциянинг йиллик даражасининг 1 фоизга ўсиши тижорат банклари кредитлари миқдорини 0,65 фоизга ўсишига олиб келиши экнометрик таҳлиллар ёрдамида асосланди.

Ўзбекистонда ойлик пул массаси реал кўрсаткичининг 1 фоизга ошиши ойлик пул бозоридаги реал фоиз ставкани 4 ойдан сўнг -0,3 фоизга пасайтириши аниқланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги уларни пуллар таклифини тартибга солиш хусусидаги илмий-назарий қарашларнинг қиёсий ва танқидий таҳлиliga, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ва расмий статистик ва амалий маълумотлар, Марказий банк статистик ва амалий маълумотлари, Акциядорлик-тижорат «Туронбанк» таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация иши натижаларининг илмий аҳамияти улардан келгусида узоқ муддатли даврий оралиқларда паст ва барқарор даражасини таъминлашга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, уларни пул массасининг ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон «Инфляцион таргетлаш

режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонларида кўрсатилган вазифаларни бажаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, олий таълим тизимидаги ўқув қўлланмаларда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикасида пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Ҳукумат қимматли қоғозлари бозорини шакллантириш, унинг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш ва Марказий банкнинг РЕПО операциялари ҳажмини ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2020 йил 24 августдаги 08-12/638-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида 2020 йил январдан банк тизими ликвидлилигини самарали тартибга солиш мақсадида Марказий банк облигациялари муомалага чиқарила бошланган, Марказий банкнинг инфляцион таргетлашга ўтиш доирасида пул-кредит сиёсати инструментлари такомиллаштирилган ҳамда 2020 йил 24 февралдан давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО операцияларини амалга ошириш йўлга қўйилган;

Марказий банкнинг мажбурий захира сиёсатини пуллар таклифини тартибга солишдаги аҳамиятини ошириш мақсадида мажбурий захира ставкаларини, илғор хориж тажрибасига асосланган ҳолда, бир рақамли сон даражасида белгилаш ва банкларнинг узоқ муддатли депозитларини мажбурий захира ажратмаларидан озод қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2020 йил 24 августдаги 08-12/638-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида 2018 йилнинг 1 октябридан бошлаб, мажбурий захиралар фақат миллий валютада шакллантириладиган бўлди; юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари бўйича мажбурий захира меъёрлари бирхиллаштирилган; миллий валютадаги депозитлар учун мажбурий захира ставкаси бир рақамли сон даражасида (4%) қилиб белгиланган;

банк активлари таркибида юқори ликвидли активлар салмоғини ошириш орқали жорий ликвидлик коэффициенти даражасини ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик-тижорат «Туронбанк» амалиётига жорий этилган (АТБ Туронбанкнинг 2020 йил 16 октябрдаги 11/04-399-1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида АТБ Туронбанкда жорий ликвидлик коэффициенти 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 0,36 пунктга ошган;

трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини, соф фоизли спрэд кўрсаткичининг меъёрий талабдан паст бўлмаган барқарор даражасини таъминлаган ҳолда, трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланиш ва муддатли депозитларнинг фоиз ставкаларини ошириш асосида пасайтириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик-тижорат «Туронбанк» амалиётига жорий этилган (АТБ

Туронбанкнинг 2020 йил 16 октябрдаги 11/04-399-1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида 2019 йилда АТБ Туронбанк депозитларининг умумий ҳажмида трансакцион депозитларнинг салмоғи 2018 йилга нисбатан 10,6 фоизли пунктга пасайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 4 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги ва синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пул таклифини тартибга солиш амалиётининг назарий асослари ва хориж тажрибаси**» деб номланган биринчи бобида пул таклифини тартибга солиш хусусидаги илмий-назарий қарашлар, меъёрий-ҳуқуқий асослари тадқиқ қилинган, пул таклифини тартибга солиш моделлари қиёсий таҳлил қилинган, ҳамда пул таклифини тартибга солиш борасидаги илғор хориж тажрибаси ўрганилган ва умумлаштирилган.

Иқтисодчи олимларнинг пул таклифини тартибга солиш хусусидаги илмий-назарий қарашларини тадқиқ қилиш натижалари кўрсатдики:

хукумат ва Марказий банк капиталнинг кутилаётган даромад меъёрига молиявий активларга бўлган талаб ва улар таклифини бошқариш орқали таъсир этиши мумкин;

Марказий банк пул таклифини тартибга солиш орқали инфляцияни жилавлаш мумкин, чунки инфляция кўп омилли жараён эмас;

Марказий банкнинг очик бозор операциялари афзалликлари:

очик бозор операциялари марказий банкларнинг ташаббуси билан амалга оширилади ва унинг ҳажми марказий банклар томонидан назорат қилинади;

очик бозордаги операциялар аниқ ва мослашувчан бўлиб, улар ҳар қандай ҳажмга эга бўлиши мумкин;

очик бозордаги операциялар осон қайтарилувчанлик мазмунига эга.

Б.МакКаллум ва К.Дауд томонидан ишлаб чиқилган пуллар таклифи моделларида индивиднинг пулларга нисбатан қарорини алоҳида ажратиб олган ҳолда эмас, балки инсон фаровонлигининг умумий модели асосида кўриб чиқишни таклиф қилдилар. Уларнинг хулосаларига кўра, пулларни харид учун ишлатиш индивиднинг вақтини сезиларли даражада иқтисод қилинишига олиб келади. Инсоннинг оптимал ҳатти-ҳаракати, фойдалиликнинг индивидуал функциясини максималлаштириш асосида, иш вақти билан бўш вақти ўртасидаги танловни англатади⁶.

Кейганининг модели инфляция кучайган даврларда амал қилади. Иқтисодиётда баҳолар кескин ошганда пулнинг харид қобилияти сезиларли даражада пасаяди. Бундай шароитда реал даромад, реал фоиз ставкаси ва бошқа макроиқтисодий индикаторларнинг пулга бўлган талабга таъсири сезиларсиз бўлиб қолади. Натижада, индивидларнинг пулга бўлган ҳоҳиши ва талаби инфляция суръатига мутаносиб равишда камаёди⁷.

Д.Хиршляйфер моделига кўра⁸, вақтлараро танловнинг хусусияти шундаки, бугун олинadиган пул келгусида олинadиган пулга нисбатан юқори баҳоланади. Чунки, бугунги даромад бевосита истеъмол ҳисобланади. Агар истеъмол кечиктирилса, унда истеъмолчи зарар кўради. Бунинг сабаби шундаки, ушбу зарар келгусида юқори даромад ҳисобидан қопланади. Агар пул истеъмолдан олинib кечиктирилса, у ҳолда уларнинг қиймати ўсиш билан ҳисобланади.

Ф.С.Мишкиннинг фикрига кўра пул таклифини тартибга солишда РЕПО операцияларидан кенг кўламда ва муваффақиятли фойдаланаётган Марказий банклардан бири бўлиб, АҚШнинг Федерал захира тизими (ФЗТ) ҳисобланади⁹. ФЗТнинг бирламчи (асосий) тур кредитлари фақат ишончли депозит муассасаларига маълум бир вақтга (одатда, бир неча соатга) ёки вазият тақозосига кўра узокроқ муддатга берилиши мумкин. Ушбу депозит муассасаларининг ишончилигини аниқлаш учун уларнинг молиявий аҳволи юзасидан мунтазам мониторинг олиб борилади, рейтинг юритилади. Депозит муассасалари ушбу қарз маблағларини асосан молиялаштиришнинг захира манбаси сифатида қарашади ва улардан бошқа мақсадларда фойдаланишмайди. Ушбу биринчи тур қарз маблағи асосий манба ҳисоблангани боис ҳам АҚШ ФЗБ лексиконида уни «дисконтланган ставка» дейишади. Иккиламчи тур кредитлари барқарор депозит муассасаларига берилиб, уларнинг дисконт ставкаси ишончли депозит муассасаларига берилadиган дисконт ставкасидан 50 фоиз пунктга юқорирок, баъзи ҳолларда эса вазият тақозосига кўра ундан-да юқорирок бўлиши мумкин. Ушбу турдаги кредитларнинг муддати бир кунлик

⁶ McCallum B.T. Alternative Monetary Policy Rules: A Comparison with Historical Settings for The United States, the United Kingdom, and Japan// Economic Quarterly of the Federal Reserve Bank of Richmond, 1/86, Winter, 2000. – P. 49-79.; Dowd, Kevin. The Value of time and the transactions demand for money//Journal of Money, Credit and Banking – 1990 – V.22 - №1- P. 51-64.

⁷ Гераськин М.И., Кузнецова О.А. Экономико-математическое моделирование. Макроэкономические и социальные модели. Учебное пособие. – Самара: Изд-во Самарского университета, 2017. – 80 с.

⁸ Розанова Н.М. Монетарная экономика. Теория денег и кредита: в 2 т. Учебник. – М.: Юрайт, 2016. – С. 120-123.

⁹ Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С. 486 - 488.

ҳисобланади. Мазкур кредитлар ликвидлик танқислигини олдини олиш мақсадида жалб қилинади. Улардан депозит муассасаларининг активларини молиялаштиришда фойдаланиш мумкин эмас. Учинчи, яъни мавсумий тур кредитлари унча катта бўлмаган депозит муассасаларига ўз кредит ва депозит операцияларидаги мавсумий номутаносибликларнинг олдини олиш учун берилади. Бунда ушбу депозит муассасалари мавсумий тебранишларга хос бўлган ҳолатларни аниқ асослаб беришлари лозим. Одатда бундай муассасалар қишлоқ хўжалиги соҳасига ёки туристик салоҳиятга эга бўлган жойларда фаолият кўрсатадиган хўжалик субъектларига хизмат кўрсатишади. Мазкур кредитнинг дисконт ставкаси бозор ставкасига тенг бўлади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2015-2017 йилларда АҚШ ЯИМнинг ўсиш суръатини пасайиш тенденцияси кузатилган. Аммо, 2018 йилда ЯИМнинг ўсиш суръати 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бирок, ушбу кўрсаткич 2019 йилда 2018 йилга нисбатан пасайган. Бу эса, асосан, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

Хитой билан давом этаётган савдо уруши натижасида зарар кўрилаётганлиги; 2019 йилда жаҳон иқтисодиёти ўсишининг секинлашганлиги.

1-жадвал


АҚШда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати, инфляциянинг йиллик даражаси ва Федерал захира тизимининг дисконт ставкаси, фоизда¹⁰

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2015	2016	2017	2018	2019
ЯИМнинг ўсиш суръати	2,6	1,6	2,3	2,9	2,3
Инфляция даражаси	0,7	2,1	2,1	1,9	2,3
ФЗТнинг дисконт ставкаси	0,5	0,75	1,5	2,5	1,75

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2015-2019 йилларда АҚШда инфляциянинг йиллик даражаси мўътадил бўлган, яъни инфляциянинг йиллик даражаси 3 фоиздан ошмаган. Бу эса, пул таклифини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бирок, 2019 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 2015 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

Шунингдек, ФЗТнинг дисконт ставкаси 2015-2018 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда инфляция даражасининг ошишига йўл қўймасликнинг зарурлиги билан изоҳланади. 2019 йилда ФЗТнинг дисконт ставкаси 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайтирилган. Бу эса, 2019 йилда ЯИМнинг ўсиш суръатини 2018 йилда секинлашганлиги билан изоҳланади.

¹⁰ Муаллиф томонидан <https://www.federalreserve.gov> сайти (АҚШ Федерал захира тизими) маълумотлари асосида тузилган.



1-расм. АҚШда пул массасининг (M2) йиллик ўсиш суръати ва инфляциянинг йиллик даражаси, фоизда¹¹

Расм маълумотларидан АҚШда 2016-2018 йилларда АҚШда пул массасининг ўсиш суръати пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо, 2019 йилда пул массасининг ўсиш суръати 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. АҚШда пул массасининг йиллик ўсиш суръати 2017 йилда 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Аммо, мазкур даврда инфляция даражаси ўзгармасдан қолган. Бу эса, ушбу даврда пул массасининг ўсиш суръатини инфляцион мазмунга эга бўлмаганлигидан далолат беради.

2-жадвал

Россияда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати, инфляциянинг йиллик даражаси ва Марказий банкнинг таянч ставкаси, фоизда¹²


Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2015	2016	2017	2018	2019
ЯИМнинг ўсиш суръати	- 2,0	0,3	1,8	2,5	1,3
Инфляция даражаси	12,9	5,4	2,5	4,3	3,0
Марказий банкнинг таянч ставкаси	11,0	10,0	8,25	7,75	6,25

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Россияда 2015 йилда ЯИМ ҳажми қисқарган. Аммо, 2016-2018 йилларда ЯИМнинг йиллик суръатининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Россияда 2015-2018 йилларда инфляция даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, Россия Марказий банкига таянч ставкаси пасайтириш имконини берган.

¹¹ Муаллиф томонидан <https://www.federalreserve.gov> сайти (АҚШ Федерал захира тизими) маълумотлари асосида тузилган.

¹² Муаллиф томонидан www.cbr.ru сайти (Россия Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

Шунингдек, Россияда инфляция даражаси 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 1,3 фоизли пунктга пасайгани ҳолда, Марказий банкнинг таянч ставкаси 1,5 фоизли пунктга пасайтирилган. 2019 йилда Россия Марказий банки монетар сиёсатининг стратегик мақсади қилиб, баҳолар барқарорлигини таъминлаш белгиланган эди. Шу сабабли, инфляцион таргетлаш доирасида инфляциянинг йиллик даражасини 4 фоиздан ошишига йўл қўймаслик вазифаси қўйилган эди. Россияда инфляция даражаси 2019 йилнинг биринчи чорагида 5,3 фоизгача кўтарилди ва кейинчалик пасайиб, йил охирида 3,0 фоизни ташкил этди.



2-расм. Россия Федерациясида пул массаси (M2) ва нақд пул массаси миқдорларининг ўзгариши, млрд. рубль¹³

Россия Марказий банкнинг расмий маълумотиغا кўра, инфляция прогнози пасайтириб борилганлиги сабабли (2019 йил июн учун – 4,7-5,2%; октябрь учун – 3,2-3,7%; декабрь учун – 2,9-3,2%), таянч ставкаси 2019 йил июнь-декабрь ойларида 1,5 фоизли пунктга пасайтирди ва унинг йиллик даражасини 6,25% қилиб белгилади¹⁴. Юқоридаги расмда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, 2015-2019 йилларда Россияда пул массаси миқдорининг ошиш тенденцияси кузатилган. Мазкур ошиш фақат 2015 йилда инфляцион мазмунга эга бўлган. Чунки, 2015 йилда Россияда инфляция даражаси нисбатан юқори (12,9%) бўлган. 2016-2019 йилларда Россияда нақд пул массасининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожланиш даражасининг паст эканлигидан далолат беради ва пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, пластик карталар ва пуллик чеклар муомаласини ривожлантириш нақд пулларга бўлган талабни қисқартириш имконини беради.

¹³ Муаллиф томонидан www.cbr.ru сайти (Россия Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

¹⁴ Годовой отчет Банка России за 2019 год (С. 93). www.cbr.ru.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида пул таклифини тартибга солиш амалиётининг замонавий ҳолати» деб номланган иккинчи бобида пуллар таклифини тартибга солиш амалиётига баҳо берилган ва мавжуд тенденциялар аниқланган.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунини пуллар таклифини тартибга солишнинг бирламчи меъёрий-ҳуқуқий асос ҳисобланади. Чунки, ушбу Қонун Марказий банк фаолиятини тартибга солади, пуллар таклифини эса, Марказий банк тартибга солади.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида М0 ва М2 пул агрегатлари¹⁵

Пул агрегатлари	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018й.	2019 й.
М0, млрд. сўм	10655	13209	19449	22164	24246
М2, млрд. сўм	42291	52226	73223	83734	91266
М0 нинг М2 таркибидаги салмоғи, %	25,2	25,3	26,6	26,5	26,6

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2015-2019 йилларда Ўзбекистонда М0 ва М2 пул агрегатлари миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Айниқса, 2017 йилда М0 ва М2 пул агрегатлари миқдорининг 2016 йилга нисбатан ўсиш сураъти юқори бўлган. Бу эса, 2017 йил 5 сентябр-да, валюта сиёсатини либераллаштириш муносабати билан, миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан кескин қадрсизланиши натижасида хорижий валютадаги депозитларнинг сўмдаги қийматини ошиб кетганлиги билан изоҳланади. 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, хорижий валютадаги депозитларнинг сўмдаги қиймати 8758 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, ушбу қиймат 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига келиб, 25699 млрд. сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга таҳлил қилинган давр мобайнида нақд пулларнинг М2 пул агрегати таркибидаги салмоғи нисбатан юқори бўлган. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштиришда муаммоларнинг мавжудлиги-дан далолат беради. Муомаладаги нақд пуллар миқдорининг юқори суръатларда ўсиши биринчи даражали тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида нақд пулга бўлган талабнинг ошиши ҳамда мазкур даврда ички валюта бозорида мавжуд бўлган муаммолар сабабли банк кассаларига пул тушумининг мутаносиб равишда ошмаганлиги ҳисобига рўй берди.


Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотларига кўра:¹⁶ 2019 йил давомида банклар кассаларига келиб тушган нақд пуллар ҳажми 2018 йилга нисбатан 71,6 фоизга ортиб, 142,6 трлн. сўмни ташкил қилди; 2019 йилда тижорат банклари кассаларига товарлар сотишдан тушган нақд пуллар ҳажми 63,0 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан

¹⁵ Муаллиф томонидан www.cbu.uz. (Статистика. Пул агрегатлари) сайти маълумотлари асосида тузилган.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

тушумлар 36,8 фоизга, аҳоли томонидан банк омонатларига қўйилган нақд пуллар ҳажми 33,6 фоизга, банк хизматлари (кредит, нақд валюта сотиш ва конверсия операциялари) бўйича тушумлар 3,5 баробарга, солиқлар ва бошқа соҳалардан тушумлар 82,6 фоизга кўпайди; банк кассаларига тушган жами нақд пул тушумларининг манбалар бўйича таркибида чакана савдо тушуми улуши 42,6 фоизни, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан тушум – 10,5 фоизни, аҳоли томонидан банк омонатларига қўйилган нақд пуллар – 9,3 фоизни, банк хизматлари бўйича тушум – 11,8 фоизни, солиқлар ва бошқа соҳалардан тушумлар – 25,8 фоизни ташкил этди; 2019 йил давомида банк кассаларига нақд пул тушумини топшириш ҳажмининг ошиши билан бир қаторда, нақд пулдаги чиқимлар ҳажми ҳам 2018 йилга нисбатан 68,4 фоизга ошиб, 144,5 трлн. сўмни ташкил этди. 2018 йилда нақд пулга талаб асосан пенсия, нафақа (22,7 фоиз) ва иш ҳақи (24,4 фоиз) тўловлари ҳисобига шаклланган бўлса, ҳисобот йилида нақд пул чиқими таркибида банк карталаридан нақд пул ечиш ва аҳолидан чет эл валютасини сотиб олиш операциялари салмоқли улушга эга бўлди.

Қуйидаги расмда келтирилган маълумотлардан кўринадик, 2017-2019 йилларда республикада инфляция даражаси юқори бўлган. Айниқса, 2017 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 2017 йилга нисбатан кескин ошган. Бу эса, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 2018 йилда бирдан 5 фоизли пунктга оширишга мажбур қилган. Шунингдек, 2017-2019 йилларда инфляция даражасининг юқори бўлганлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қайта молиялаш ставкасини пасайтириш имконини бермаган. Ўз навбатида, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини таҳлил қилинган давр мобайнида юқори бўлганлиги тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкасини юқори бўлишига олиб келган.



3-расм. Ўзбекистон Республикасида инфляция, қайта молиялаш ставкаси ва тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, фоизда¹⁷

¹⁷ Муаллиф томонидан www.cbu.uz. (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки) сайти маълумотлари асосида тузилган.

2018 йилнинг 25 сентябридан Марказий банк қайта молиялаш ставкани йиллик 14 фоиздан 16 фоизгача оширди. Ўз навбатида, республикада инфляция даражасининг юқори эканлиги Марказий банкка қайта молиялаш ставкасини пасайтириш имконини бермаётганлиги натижасида тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари ҳам юқориликда қолмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикада пуллар таклифини шакллантирувчи асосий омиллардан бири бўлиб, тижорат банкларининг кредит қуйилмалари ҳисобланади.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қуйилмаларининг миқдори ва даражаси¹⁸

Кўрсаткичлар	Йиллар					2019 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши
	2015	2016	2017	2018	2019	
Кредитлар, трлн. сўм	42,7	53,4	108,5	164,7	207,6	4,8 марта
Кредитларнинг ЯИМга нисбатан даражаси, %	20,3	22,0	35,8	40,5	40,6	20,3 ф.п.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадик, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит қуйилмалари миқдори 2015-2019 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, банклар кредит қуйилмаларининг миқдори 2019 йилда 2015 йилга нисбатан юқори суръатда ўсган (4,8 марта).

Республика тижорат банклари кредит қуйилмаларининг ЯИМга нисбатан даражаси 2015-2019 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, банклар кредит қуйилмаларининг ЯИМга нисбатан даражаси 2019 йилда 2015 йилга нисбатан юқори даражада ошган (20,3 ф.п.).

Юқорида қайд этилган ҳолатлар тижорат банклари кредит қуйилмаларини пул таклифини шакллантирувчи асосий омиллардан бирига айланганлигидан далолат беради.

2006-2017 йиллар давомида қуйидаги ўзгарувчилар асосида яъни пул массасининг йиллик ўсиш суръати (фоизда), тижорат банклари кредитлари (млрд. сўм), инфляциянинг йиллик даражаси (фоизда), миллий валютанинг йиллик қадрсизланиш суръати (фоизда) танлаб олиниб, корреляцион ва регрессион таҳлиллар энг катта квадратлар усулида амалга оширилди. Унга кўра, жараённи ўзида ифодаловчи модель қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$\ln Y_{\text{ТБК}} = -2.381196 + 0,65 * X_{\text{ин}} + 1,15 * X_{\text{МВҚ}} + 0,19 * X_{\text{ПМ}} \quad (1)$$

Бу ерда: $Y_{\text{ТБК}}$ - тижорат банклари кредитлари, млрд.сўм; $X_{\text{ин}}$ - инфляциянинг йиллик даражаси, фоизда; $X_{\text{МВҚ}}$ - миллий валютанинг йиллик қадрсизланиш суръати, фоизда; $X_{\text{ПМ}}$ - пул массасининг йиллик ўсиш суръати, фоизда;

¹⁸ Муаллиф томонидан www.cbu.uz. (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки) сайти маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистондаги монетар индикаторлар оосида шаклланган регрессион ва корреляцион моделнинг мезонлар текшируви натижаси¹⁹

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
$X_{ин}$	0.651960	0.132540	4.918967	0.0012
$X_{МВҚ}$	1.150362	0.582552	1.974693	0.0837
$X_{ПМ}$	0.199943	0.191162	1.045937	0.3262
C	-2.381196	1.106169	-2.152651	0.0635
Қолдиқлар квадрати	0.829503	Эрксиз ўзг. ўрт. арифм.		2.332529
Ўзгарган қолдиқлар квадрати	0.765567	Эрксиз ўзг. станд. оғиши		0.899517
Регр. станд. хатолиги	0.435531	Акайке мезони		1.436700
Қолд. квадр. йиғиндиси	1.517498	Шварц мезони		1.598336
Логариф. ҳақ. яқинлик	-4.620201	Ханнан-Квин мезони		1.376857
F-статистика	12.97389	Дарбин-Уотсон мезони		2.564247
Эҳтимоллик (F-стат.)	0.001932			

Жадвал маълумотларидан кўринадик, энг кичик квадратлар усулида таҳлил қилинаётган регрессион ва корреляцион таҳлилда қолдиқлар квадрати 0,82 бандни ташкил қилган. Бу шуни англатадики, биз танлаган маълумотлар қолдиқлари битта тўғри чизик жойлашганлигини кўрсатади.

Энг кичик квадрат усулида таҳлил қилинган регрессион ва корреляцион эконометрик таҳлилда эрксиз ўзгарувчига тижорат банклари кредитлари эркли ўзгарувчи ҳисобланган инфляциянинг йиллик даражаси таъсири аниқланди. Қолган эркли ўзгарувчилар миллий валютанинг йиллик қадрсизланиш суръати ва пул массасининг йиллик ўсиш суръати таъсири аниқланмади. Диагностика тест шуни кўрсатадики, хетрокодастик ва авторегрессия муаммолари мавжуд эмас. Бироқ, қолдиқлар диагностикаси шуни кўрсатадики, нормал тақсимот мавжуд эмас. Ушбу эконометрик таҳлилдан хулоса қилиб айтганда, инфляциянинг йиллик даражасининг 1 фоизга ўсиши мамлакатимизда тижорат банклари кредитлари миқдорини 0,65 фоизга ўсишига олиб келади.

Марказий банк пул-кредит сиёсати мамлакатда инфляция даражасининг издан чиқиб кетмаслиги ҳамда иқтисодий ўсиш учун қулай шароит яратишдан иборатдир. Марказий банк ушбу мақсадларга пул таклифини оқилона олиб бориш орқали эришади. Ривожланган давлатлар марказий банкларидан фарқли равишда ривожланаётган давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон Марказий банки бу мақсадларга эришишда маълум бир қийинчиликларга дуч келади. Хусусан, мамлакатда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги, бозор фоиз ставкалари шаклланишининг марказий банк фоизига боғлиқлик даражасининг пастлиги, аҳоли истемолининг банк кредитлари билан қамраб олиниш даражасининг пастлиги ва бошқа шу каби омиллар таъсирида Марказий банк пул таклифидаги ўзгаришларнинг кўзланган мақсадларга эришиши қийин кечади.

¹⁹ Муаллиф томонидан STATA статистик таҳлил дастури ёрдамида ишлаб чиқилган.

Биз мазкур тадқиқот ишимизда Марказий банк пул таклифининг инфляцияга таъсир этиш юзасидан VAR модели ёрдамида эмпирик таҳлиллар олиб боришни, ҳамда 2016M1:2020M6 даврдаги Марказий банк реал ойлик қайта молиялаш фоиз ставкаси (INR_t), реал ойлик пул массаси ($M2_t$), пул бозоридаги реал ойлик фоиз ставка (MMR_t) ҳамда ойлик инфляция даражаси (CPI_t) ўртасида ўзаро боғлиқликни ифодаловчи моделни яратишни мақсад қилдик.

Танланган тўртта кўрсаткич асосида Augmented Dickey-Fuller Test ўтказилди ҳамда Augmented Dickey-Fuller Test модели қуйидаги кўринишда келтирилди:

$$\Delta R_M2_t = \alpha_3 + \beta_3 t + \gamma_3 R_M2_{t-1} + \omega_1 \Delta R_M2_{t-1} + \dots + \omega_{p-1} \Delta R_M2_{t-(p-1)} + \theta_t$$

$$\Delta INR_t = \alpha_4 + \beta_4 t + \gamma_4 INR_{t-1} + \mu_1 \Delta INR_{t-1} + \dots + \mu_{p-1} \Delta INR_{t-(p-1)} + \sigma_t$$

$$\Delta RMMMR_t = \alpha_1 + \beta_1 t + \gamma_1 RMMMR_{t-1} + \delta_1 \Delta RMMMR_{t-1} + \dots + \delta_{p-1} \Delta RMMMR_{t-(p-1)} + \varepsilon_t$$

$$\Delta CPI_t = \alpha_2 + \beta_2 t + \gamma_2 CPI_{t-1} + \varphi_1 \Delta CPI_{t-1} + \dots + \varphi_{p-1} \Delta CPI_{t-(p-1)} + \tau_t$$

Бу ерда, $\alpha_1, \alpha_2, \alpha_3, \alpha_4$ лар ўзгармас қиймат, $\beta_1, \beta_2, \beta_3, \beta_4$ лар вақт тренди натижасида ўзгариш коэффициентларидир.

Ушбу кўрсаткичлар стационар ёки ностационар эканлиги юзасидан хулоса қилишимиз учун уларни Augmented Dickey-Fuller Test модели орқали бирлик издизга текширдик.

6-жадвал

Augmented Dickey-Fuller Test натижаси²⁰

№	Кўрсаткичлар	t-статистикаси	П – қиймати	Хулоса
1.	LN_RM2	-6.907594	0.0000	I(0)
2.	LN_RINR	-4.126122	0.0020	I(0)
3.	LN_RMMMR	-4.120859	0.0020	I(0)
4.	LN_CPI	-4.079226	0.0023	I(0)


Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, танланган кўрсаткичларнинг барчаси стационар ҳолатида, яъни улар ностационар ҳолатида эмас. Модел учун танланган кўрсаткичларнинг барчаси стационар бўлганлиги сабабли, ушбу кўрсаткичлар асосида VAR модели қўлланилади. Юқоридаги таҳлиллардан фойдаланган ҳолда, танланган кўрсаткичлар ўртасида ўзаро боғлиқликни ифодаловчи,

$$CPI_t = \alpha_2 + p_2 e_2 + \sum_{i=1}^4 \beta_i \Delta R M 2_{t-i} + \sum_{i=1}^4 \delta_i CPI_{t-i} + \sum_{i=1}^4 \gamma_i \Delta R IN R_{t-i} + \sum_{i=1}^4 \omega_i R M M M R_{t-i}$$

$$\Delta R M M M R_t = \alpha_3 + p_3 e_3 + \sum_{i=1}^4 \beta_i \Delta R M 2_{t-i} + \sum_{i=1}^4 \delta_i CPI_{t-i} + \sum_{i=1}^4 \gamma_i \Delta R M M M R_{t-i} + \sum_{i=1}^4 \omega_i IN R_{t-i}$$

²⁰ Муаллиф томонидан STATA статистик таҳлил дастури ёрдамида ишлаб чиқилган.

модел шакллангандир ҳамда макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзаро таъсир импульсини келтирамиз. Импульс реакцияси натижасида қуйидаги хулосаларга келдик. Яъни: Марказий банк таклиф қилаётган пул массасининг ойлик инфляция ўзгаришига таъсири мантиқий боғлиқликка эга бўлиб, улар ўртасидаги «лаг» 3-4 ойга тенг бўлмоқда. Хусусан, ойлик реал пул массасининг 1 фоизга ошиши ойлик инфляция даражасига 4 ойдан сўнг таъсир кўрсатиб, 0,4 фоизга оширмоқда.



4-расм. Марказий банк пул таклифининг иқтисодий кўрсаткичларга таъсирининг импульс реакцияси²¹

Пул массасининг пул бозоридаги фоизларнинг шаклланишига таъсири кўрсатилган бўлиб, бунда ойлик реал пул массасининг 1 фоизга ошиши пул

²¹ Муаллиф томонидан STATA статистик таҳлил дастури ёрдамида ишлаб чиқилган.

бозоридаги ойлик реал фоиз ставкани 4 ойдан сўнг -0,3 фоизга пасайтирмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, иқтисодий адабиётларда бу кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик жуда қисқа муддатда таъсир қилиши таъкидланган бўлсада, пул массасидаги ўзгариш ривожланган давлатлардан фарқли равишда бизнинг пул бозоримизга секинлик билан таъсир қилмоқда.

Марказий банк қайта молиялаш фоиз ставкасининг инфляция даражасига таъсири кўрсатилган бўлиб, бунда улар ўртасида боғлиқлик суст кечмоқда. Жумладан, фоиз ставкасининг ошиши ойлик инфляцияни ҳам оширмоқда аммо умумий таъсири салбий бўлиб қолмоқда. Бу билан айтишимиз мумкинки, Марказий банк фоиз ставка орқали инфляцияга таъсир қилиши етарли даражада ривожланмаган. Демак, Ўзбекистон Марказий банки мамлакатдаги инфляция даражасини жиловлаб туриши, шунингдек, яқин келажакда инфляцион таргетлашга ўтишида пул таклифини фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда.


Ликвидлилик эффектининг АТБ Туронбанк пассив ва актив операциялари орқали иқтисодиётга ёйилишини таҳлил қилиш юзасидан SVAR модели ёрдамида эмпирик таҳлиллар олиб бориб, 2017M1:2020M9 давр оралиғидаги АТБ Туронбанк депозитлари ҳажмининг реал ойлик ўсиши ($Deposit_t$) ҳамда ушбу банк кредитларининг реал ойлик ўсишига ($Credit_t$) таъсир этувчи эгзоген ўзгарувчилар, яъни ойлик инфляция даражаси (CPI_t) ҳамда пул таклифининг ойлик реал ўсиши ($MoneyBase_t$) ўртасида ўзаро боғлиқликни ифодаловчи,

$$\Delta Deposit_t = \alpha_1 + p_1 e_1 + \sum_{i=1}^4 \beta_i \Delta Deposit_{t-i} + \sum_{i=1}^4 \delta_i CPI_{t-i} + \sum_{i=1}^4 \gamma_i \Delta MoneyBase_{t-i}$$

$$\Delta Credit_t = \alpha_2 + p_2 e_2 + \sum_{i=1}^4 \beta_i \Delta Credit_{t-i} + \sum_{i=1}^4 \delta_i \Delta Deposit_{t-i} + \sum_{i=1}^4 \gamma_i CPI_{t-i}$$

$$+ \sum_{i=1}^4 \omega_i \Delta MoneyBase_{t-i}$$

модел шакллантирдик ҳамда АТБ Туронбанк пассив ва актив операцияларига эгзоген кўрсаткичларининг таъсир импульсини келтирдик.




5-расм. АТБ Туронбанк депозитлари ҳажмининг эгзоген кўрсаткичларига нисбатан импульс реакцияси.²²

